# КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

(Боши 1-бетда)

квартира ёки шахсий уй-жой билан таъминлаш юзасидан партия ўртага қўйган вазифани бажаришда муҳим аҳамиятга эга бўлиши таъкидланди. Шу билан бирга уй-жой кооперациясини ривожлантиришда мамлакатда содир бўлган аҳвол аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларига жавоб бермайди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Сиёсий бюро маъқуллаган қарорида аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондиришнинг кооператив принциплари ва формаларини такомиллаштириш юзасидан ташкилий, молиявий-иқтисодий ва социал-ҳуқуқий тадбирларнинг кенг комплекси белгиланди. Уй-жой қурилиш кооперативларини бундан буён ҳам ривожлантириш билан бир қаторда кооперациянинг янги формасини — корхоналар ва маҳаллий органлар қурган уй-жойларни сотиб олиш ва ундан фойдаланиш учун ихтиёрийлик асосида тузиладиган гражданларнинг уй-жой кооперативларини жорий этиш кўзда тутилмоқда, корхоналар, қурилиш ташкилотлари ва маҳаллий органларнинг кооператив уйларни қуришдан иқтисодий манфаатдорлигини ошириш, бу кооперативларга кредит беришнинг имтиёзли шартларини белгилаш назарда тутилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси СССР Министрлар Совети ишлаб чиққан 1988—1995 йилларда Москва области социал соҳасини ривожлантириш тадбирларини маъқуллади. Москва шаҳри билан ягона халқ хўжалиги комплексини ташкил этадиган область аҳолиси турмуши шароитларини яхшилаш мақсадида уй-жой-коммунал ва маданий-маиший қурилиш суръатларини анча жадаллаштириш, ишлаб чиқариш ва социал инфраструктурани ривожлантиришда содир бўлган номутаносибликни бартараф этиш назарда тутилмоқда. Ўн учинчи беш йилликда уй-жойларни фойдаланишга топширишни ўн иккинчи беш йилликдагига нисбатан 1,4 баравар кўпайтириш мўлжалланмоқда. Болалар муассасалари, поликлиникалар, касалхоналар, клублар ва бошқа социал-маданий объектлар қуриш миқёслари кенгаяди.

Сиёсий бюро СССР ички ишлар министрлиги системасидаги сиёсий органлар тўғрисидаги низомни тасдиқлаб, ана шу органларнинг ягона ташкилий структурасини барпо этиш ва уларнинг ишини янада такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган тадбирларни белгилади. Ана шу тадбирларнинг қабул қилиниши социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, гражданларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида ички ишлар органлари фаолиятига партиявий-сиёсий таъсирини кучайтиришга ёрдам беради.

Мажлисда М. С. Горбачевнинг Италия компартияси Бош секретари А. Натта билан учрашуви тўғрисидаги ахборот тингланди. Икки партия мулоқотининг самарали бўлаётгани, бу мулоқот чуқурлашиб ва бойиб бораётганлигидан мамнуният изҳор этилди. КПСС бутун қитъа доирасида тинчлик, хавфсизлик, ўзаро фойдали ҳамкорликни таъминлаш мақсадида Умумевропа мулоқотига янги омил бахш этиш учун бундан буён ҳам компартиялар билан, шунингдек Европадаги барча сўл кучлар билан муносабатларни ривожлантириб бораверишни муҳим деб ҳисоблайди.

Э. А. Шеварднадзенинг 21—23 март кунлари Вашингтонда АҚШ президенти Р. Рейган билан суҳбатлари ва давлат секретари Ж. Шульц билан олиб борган музокаралари тўғрисидаги ахбороти тингланди. Америка раҳбарияти билан алоқалар халқаро хавфсизликнинг муҳим проблемалари, регионлар ўткир можароларини бартараф этиш масалалари, гуманитар ҳамкорлик ва икки томонлама муносабатлар проблемалари юзасидан иккала мамлакат ўртасидаги олиб борилаётган сиёсий мулоқотни ривожлантиришда муҳим босқич бўлди. Ракета ҳужумидан мудофаа шартномаси 1972 йилда қай тахлитда имзоланган бўлса унга худди шундай тарзда риоя қилиб, стратегик ҳужум қуролларини 50 процент қисқартириш тўғрисидаги шартномани тайёрлаш муҳокама қилинган масалалар марказида бўлди.

Шу йил 29 май — 2 июнь кунлари олий даражада бўладиган Совет—Америка учрашуви чоғида стратегик ҳужум қуроллари — ракета ҳужумидан мудофаага оид ҳужжатлар комплексини имзоланишга имкони борича тахт қилиб қўйилиши учун уларни ишлаб чиқиш мақсадида ишни жадал давом эттиришга совет томони қатъий азму қарор берганлиги тасдиқланди. Равшанки, бунинг учун Америка томони ҳам худди шундай ҳаракат қилиши керак.

Вашингтондаги музокаралар чоғида Афғонистон атрофидаги вазиятни Женева битимлари негизида сиёсий йўл билан бартараф этишга Америка томони тайёрдир, деб илгари билдирилган фикрдан АҚШ амалда чекинганлиги аён бўлиб қолганлиги таъкидланди. Шуни ҳисобга олиб, мазкур масала хусусида бундан буёнги тадбирларимизнинг вариантлари кўриб чиқилди.

Сиёсий бюрода Варшава Шартномасига аъзо бўлган давлатлар ташқи ишлар министрлари комитетининг Софияда бўлиб ўтган навбатдаги мажлиси якунлари муҳокама қилинди. Иттифоқчи давлатларнинг қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва бундай пойганинг космосга олиб чиқилишига йўл қўймаслик, эндигина бошланган қуролсизланиш жараёнига муқаррар тус бериш ва ривожлантириш, халқаро вазият ривожидаги ижобий тенденцияларни чуқурлаштириш мақсадида бундан буён ҳам куч-ғайрат сарфлаш юзасидан эришилган аҳдлашувлар маъқулланди.

Н. Н. Слюньков, Ю. Д. Маслюков, В. М. Каменцевнинг Совет Иттифоқига амалий визит билан келган Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Марказий Комитет секретари До Миой билан музокаралари якунлари маъқулланди. Совет—Вьетнам иқтисодий ҳамкорлигининг самарадорлигини янада ошириш тадбирлари белгиланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида КПСС XXVII съезди белгилаб берган иқтисодий ва социал сиёсатни амалга оширишнинг баъзи масалалари ҳам кўриб чиқилди.

# ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Тошкент шаҳар партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатиннинг «КПСС Марказий Комитети февраль (1988 й) Пленуми қарорлари асосида халқ маорифини қайта қуриш юзасидан шаҳар партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги докладини тинглаб муҳокама қилдилар.

Пленумда Тошкент область партия комитети секретари Э. И. Фозилов нутқ сўзлади.

Пленум ишида Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари Р. А. Попов иштирок этди.

# ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАР СОВЕТИНИНГ КЕНГАШИ

31 мартда Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозда область пахтакорлар Советининг кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгашга район партия комитетларининг биринчи секретарлари, район ижроия комитетларининг раислари, район агросаноат бирлашмаларининг раислари ҳам таклиф этилган эди.

Кенгашда 1988 йилда чигит экишни уюшқоқлик билан, сифатли қилиб ва ўз муддатида ўтказиш, уруғликни ернинг табиий намига бир текис ундириб олиш вазифаси муҳокама этилди ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ана шу масала юзасидан Чиноз районидаги Навоий номли колхоз раиси Ҳ. Акромов, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози раиси М. Исматов, Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси М. Авазов, Бекобод районидаги Ленин номли колхоздан А. Рўзиматова ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, қимматли таклиф ва мулоҳазаларни ўртага ташладилар.

Кенгаш ишида область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов қатнашди ва сўзга чиқди.

**(Кенгаш ҳақидаги ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида босилади).**

# • Эртага — геологлар куни

## ХАЗИНАТОПАРЛАР

**ҲАР ЙИЛИ апрель ойининг биринчи якшанбасида Геологлар куни нишонланади. Ер остида ястаниб ётган турли-туман табиий бойликларни қидириб топиб, халқ хўжалиги эҳтиёжларига хизмат қилдирувчи бу касб эгалари бизнинг мамлакатимизда ҳар томонлама ғамхўрлик билан қуршаб олинган. Касб байрамининг таъсис этилиши ҳам шундан далолат беради. «Тошкентгеология» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўзининг анъанавий байрамини муносиб кутиб олмоқда. Бирлашма бош директори Ғани Абдураҳмонович АБДУРАҲМОНОВ штатсиз мухбиримиз М. Комилхўжаева билан суҳбатда шундай деди:**

— БИРЛАШМАМИЗ йирик геологик қидирув бўлинмаларидан ҳисобланади. У 6 минг нафардан ортиқ ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларни бирлаштирган. Асосий вазифамиз пойтахт областидаги маъданларни қайта ишловчи корхоналарни хом ашё билан таъминлашдан иборат. Шу билан бирга республикамиз территориясида қурилиш материаллари, турли хил химиявий хом ашёларни қидириб топиш билан ҳам шуғулланамиз. Кўриниб турибдики, зиммамиздаги вазифа анча масъулиятли ва айни вақтда шарафлидир.

Биз ер остида ястаниб ётган турли хил табиий бойликларни халқ хўжалиги эҳтиёжларига хизмат қилдириш билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Шунинг ўзи доим ғайрат-шижоат билан ишлашга, резерв ва имкониятларни ишга солган ҳолда, кам сарф билан кўпроқ амалий натижаларга эришишга ундайди. Коллективимиз ўзининг бутун меҳнат фаолияти давомида шунга амал қилаётганлиги учун ҳам давлат планларини доим ошириб адо этмоқда.

Касб байрамимиз арафасида қатор қувончли воқеаларнинг шоҳиди бўлдик. Ўтган хўжалик йилидаги баракали ишимиз муносиб тақдирланди. Мамлакат турдош корхоналари ўртасидаги мусобақа ғолиби бўлдик. Бирлашмамизга СССР Геология министрлиги ва тармоқ касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи берилди. Бирлашмага қарашли Олмалиқ ва Шарқий Қурама экспедициялари коллективлари ҳам Бутуниттифоқ ва республика социалистик мусобақаларида ғолиб чиқдилар.

Бундан бениҳоя руҳланган ва Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган умумхалқ ватанпарварлик ҳаракатига қўшилган коллективимиз ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йилида ҳам ҳиммат камарини маҳкам боғлаб ишламоқда. Шу сабабли дастлабки ойлардан юксак марралар эгалланяпти. Биринчи квартал ишлаб чиқариш топшириғи ортиғи билан адо этилди. Пландагидан ташқари 7 минг метр ҳажмида пармалаш ишлари бажарилди. Кон ишлари ҳажми ҳам пландагидан 400 метр ортиқ қилиб уддаланди.

Геология-қидирув ишлари йилдан-йилга мураккаблашиб бормоқда. Чунки ҳозирги вақтга келиб ернинг юзасига яқин жойлашган турли хил табиий бойликлар ўрганилиб, ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун топширилди. Эндиликда эса қидирув ишлари ернинг анча чуқур қатламларида олиб борилмоқда. Бу ўз навбатида янги хил асбоб-ускуналар ва даврга жавоб берадиган иш усулларини қўлланишни тақозо этмоқда. Аввало геофизик, геохимик методларни кенг қўлланиш зарур бўлиб қолди. Бироқ ҳозирги вақтда бунинг учун зарур бўлган аппаратуралар етарли эмас. Бу муайян даражада ишимизнинг янада самарали бўлишига тўсқинлик қилмоқда. Лекин мавжуд имкониятлар ва резервларни ишга солиш ижобий силжишлар қилишимизга ёрдам беряпти.

Ишимиздаги ютуқлар ҳақида гапирганда инсон омилини айтиб ўтмаслик мумкин эмас. Бирлашмамиз ва унинг бўлинмаларида бу масалага эътибор кескин ортди. Социал масалаларни ҳал қилиш билан инсон омилини кучайтиришга муваффақ бўлаяпмиз. Биз турар-жой ва маданий-маиший муассасалар қуриш бўйича аниқ программа ишлаб чиқдик. Шунга асосан ҳар бир геолог оиласини алоҳида квартира ёки уй билан таъминлаш муаммоси 1995 йилгача ҳал қилинади. Бу йўлда дастлабки қадамлар қўйилди. Ўнлаб геологлар оилалари ҳовли-жойли бўлдилар.

Бирлашмамизда кооперациялар ташкил этиш ҳам йўлга қўйилмоқда. Масалан, бу йил асбоб-ускуналарни ремонт қиладиган кооператив устахона иш бошлади. Саноат чиқиндиларидан кенг истеъмол моллари тайёрлайдиган, маҳаллий қурилиш материалларини қайта ишлайдиган кооперативлар ташкил этишни режалаштириб қўйдик. Бу икки томонлама фойда келтиради. Биринчидан, кўплаб меҳнаткашлар иш билан таъминланадилар, иккинчидан, кооперативлар фаолиятидан албатта иқтисодий самара кўрамиз.

Ҳозирги вақтда бирлашмамизда партия конференцияси шарафига социалистик мусобақа тобора авж олаяпти. Унга қўшилган меҳнат коллективлари ва айрим геологлар юксак меҳнат марраларини кўзлаб ишламоқдалар. Масалан, йигирмадан ортиқ бригада аъзолари бу қутлуғ анжуманни ўн иккинчи беш йилликнинг уч йиллик топшириғини бажариш билан кутиб олиш учун астойдил интилмоқдалар.

Ўнлаб геологларимизнинг меҳнат зафарлари янада баракали бўлмоқда. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган геологлар Е. Бутьева, С. Ғофуржоновлар, уларнинг касбдошлари М. Миркамолов, В. Гуркин, В. Августовский, пармаловчи мастерлардан С. Зокиров, Е. Косулин, В. Муротов, И. Зуфаров ва бошқалар мусобақада пешқадамлик қилишмоқда. Уларнинг ҳар сменадаги ўртача иш кўрсаткичлари 150 процент атрофида бўлмоқда.

Коллективимиз фаолиятида камчиликлар ҳам йўқ эмас. Биз касб байрамимизни зўр тантана билан нишонлар эканмиз, бундан буён ана шу камчиликларни бартараф этишга алоҳида эътибор берамиз. Чунки, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш шароитларига ўтиб ишлаш шуни тақозо этади. Геологларимиз эса келгуси йилдан хўжалик юритишнинг янги усули асосида ишлай бошлайдилар. Шу кунларда бунга қизғин тайёргарлик бормоқда. Айрим бўлинмалар йириклаштириляпти, бошқарув аппарати қисқартириляпти. Моддий-техника ресурсларини сарфлашнинг янги нормативлари ишлаб чиқилмоқда. Бригада пудрати янада такомиллаштирилмоқда. Қисқаси, биз янгича шароитларда ишлашга пухта ҳозирлик кўришга ҳаракат қиламиз. Бу эса коллективимизнинг ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлигини янада оширади. Демак, унинг муваффақиятлари тағин ҳам салмоқлироқ бўлади.

# Бошқарувнинг иқтисодий методларига бағишланди

30 март куни Тошкентда бўлиб ўтган республика семинари қурилишда янги иқтисодий механизмга ўтиш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштириш муаммоларига бағишланди. Семинарда Ўзбекистон қурилиш индустриясининг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари, олий ўқув юрти ва тармоқ фани вакиллари қатнашдилар. Учрашув иштирокчилари тажриба алмашиш давомида қурилишда меҳнатни ташкил этишнинг илғор формаларини жорий қилиш, илмий ишланмалар самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини муҳокама этдилар, конкрет тавсиялар қабул қилдилар.

(ЎзТАГ).

## • ҚАЙТА ҚУРИШ: СЎЗДА ВА АМАЛДА

# ОНА КЎЗ ЁШЛАРИНИНГ БОИСИ

ҲОЗИР хўжалик, корхона, ташкилотларнинг раҳбарлари билан суҳбатлашсангиз, улар гапни инсон омилидан бошлашади. «Бизда одамларнинг нормал яшаб, дам олишлари учун ҳамма имкониятлар яратилмоқда», дейишади. Ҳақиқатан ҳам шундайми?

Биз Ғалаба районида бўлганимизда доимий анъанани буздик. Яъни биронта масъул раҳбарга учрашмасдан тўғри хонадонларга бордик. Қишлоқ меҳнаткашлари билан суҳбатлашдик. Қаҳрамон она Қундуз Норқулова билан ҳам тасодифан учрашдик. Лекин, унинг оиласидаги аҳвол мана шу мақоланинг ёзилишига сабаб бўлди.

Эшикни очган Қундуз опа бизни кўриб аввалига ҳайрон бўлди, сўнг ичкарига таклиф этиб, секингина қаерданлигимизни сўради.

— Гапнинг очиғини айтсам, нолишни ёмон кўраман, — деди Қундуз опа. Лекин, болалар катта бўлган сайин янги муаммолар пайдо бўлаяпти. Айниқса, уй-жой масаласи бизни қийнаяпти. Мана, ўзингиз кўриб турибсиз, уч хонали уйимиз бор. Ҳов анови ҳужрача ошхонамиз. Оиламизнинг барча аъзолари йиғилишгандаги манзарани бир кўрсангиз эди. Балки, сизга кулгили туюлар. Лекин бу рост. Болаларим навбат билан кириб овқатланиб чиқишади. Нима ҳам қилайлик. Хона кичкина. Сиғишмаймиз. Ёзда-ку, бир иложини қиламиз, ташқарида ҳам ўтираверамиз. Қишда эса бунинг иложи йўқ-да!

Томорқамиз бор, уй-жойни ўзимиз кенгайтириб олайлик, десак, қўлимиз калталик қилаяпти. Ўзингиз тушунасиз, рўзғоримиз катта. Ҳаммасини едириш, ичириш, кийдириш керак. Ўзим магазинда фаррош бўлиб ишлайман. Болаларнинг отаси Жанғабой ака тўрт-беш йилдан бери ошқозон касали билан оғрийди. Оғир ишга яроқсиз. Ҳозир қоровуллик қилаяпти. Қийналсак ҳам фарзандларни катта қилаяпмиз. Тўнғичимиз Дилоромни узатганмиз. Иккинчи фарзандимиз Шавкатнинг ҳам ўғли бор.

— Улар ҳам шу ерда яшашадими,— сўраймиз Қундуз опадан.

Она кўзларини ерга қадаганча чуқур хўрсинди. Сўнг гап бошлади.

— Ғайратни уйлантирганимиздан сўнг Шавкат оиласи билан «Новая» кўчасидан ижарага уй олиб чиқиб кетишга мажбур бўлди. Ойига 35 сўмдан ижара ҳақи тўлаб яшаб туришувди. Бу ерда ҳам кўнгилдагидек шароит бўлмагач, келинимиз Комила турли баҳоналар билан жанжаллар чиқара бошлади. Бир куни қудамиз келиб, қизини уйига олиб кетибди. Шавкат олдимизга қайтди.

## ИНСОН ОМИЛИ

— Неварамни соғинаман. Қудамизга бир неча марта келинг, ёшларни яраштириб қўяйлик, уйимиз тор бўлса ҳам биз билан яшаб туришсин, десам рози бўлишмаяпти. Сизларда шароит йўқ, қизим яшамайди, дейишяпти.

Ҳали болаларнинг беш нафари мактабда, учтаси боғчага қатнайди. Мени энг қийнайдиган, хўрлигимни келтирадигани — Армия сафида хизмат қилаётган ўғлим Фурқатнинг мактублари бўлаяпти,— давом этди Қундуз опа. Биласизми, у ҳар бир хатнинг охирида бизга қачон уй беришаркан?—деб сўрайди. Ҳар гал фарзандимнинг хатига жавоб ёзиш олдидан нима дейишимни билмай ўйланиб қоламан...

Қундуз Норқулованинг куюниб гапирганича бор экан. Оилада ўн уч фарзанд вояга етмоқда. Турмушнинг бор-йўғига, кам-кўстига қаноат ва ота-онаси дардига шерик бўлиб тарбияланаётган фарзандлар ота-оналари сингари меҳнатсевар бўлиб етишишмоқда. Шавкат ҳозир 6-автоколоннада шофер бўлиб ишлаяпти. Ғайрат Киров номли колхозда сувчи. Қизлари Клара нон заводида ишлайди. Фурқат эса Совет Армияси сафида хизматда.

Энди ҳақли талаб. Бу оиланинг аҳволидан ҳеч ким хабар олмаса, афсуски, оғзаки мурожаатлари билан бир қаторда тегишли ташкилотларга улар ёзган мурожаатлар ҳам изсиз қолиб кетаётир. Биз бу ерда Қундуз Норқулова Солдатское шаҳар Совети ижроия комитети раиси С. Ибрагимовнинг ўзидан уй-жой сўраб, икки марта ариза билан қабулида бўлганлигини назарда тутяпмиз. Ижрокомга қатнайвериб чарчаган Қ. Норқулова кунларнинг бирида турмуш ўртоғи Жанғабой Норқуловни жўнатди. Буни қарангки, раис мен сиз билан эмас, ариза ёзган кишининг ўзи билан гаплашаман, деб уни қайтариб юборибди.

— Ахир, сабр-тоқат ва бардошнинг ҳам чегараси бор-ку,— деганча Қундуз опа кўзларига ёш олди. Онасининг кўзларида ёшни кўрган фарзандларнинг ҳам кўнгли бўшашиб кетди шекилли, улар бирин-кетин ташқарига чиқишди...

Хўш, онани йиғлашга нима мажбур этмоқда? Бу ҳақли савол, албатта. Бу саволга жавоб аниқ: ҳанузгача фақат қуруқ ваъда беришдан нарига ўтишмаяпти. Шу сабабли ҳам серфарзанд оила бошлиқлари ижроком билан уйлари ўртасида овораи-сарсон бўлишаяпти. Бу оиланинг қийналиб, уй-жойдан сиқилиб яшаётганлигини ижрокомдаги ўртоқлар билмайди, дейсизми? Улар яхши билишади.

Шу ўринда ижрокомдаги ўртоқларга яна битта саволимиз бор. Солдатское шаҳрида кўп болали хонадонлар бармоқ билан санарли-ку. Наҳотки уларни биринчи навбатда уй-жой билан таъмин этишнинг иложи бўлмаса? Айрим шаҳарларда кўп болали оилалар учун махсус озиқ-овқат магазинлари бириктиб қўйилган. Маиший хизмат уйлари улар хизматида. Биз, бу аллақачонлар яратилиши лозим бўлган, аммо сизларнинг лоқайдликларингиз туфайли яратилмаган шарт-шароит ва имтиёзлар ҳақида гапирмадик. Биз фақат оилани ташвишга солиб келаётган бош муаммо — уй-жойни кенгайтириш ҳақидагина тўхталдик, холос.

Мана шу ерга келганда яна бир неча мулоҳазаларимизни айтиб ўтмоқчимиз. Шаҳар Совети ижроия комитетидагилар бу оилага ёрдам беришни аччиқ ичакдек чўзиб келишаётган экан, оиладаги фарзандлар меҳнат қилаётган коллективларнинг раҳбарлари-чи?!

Оила фарзандларидан Ғайрат ва унинг хотини Киров номли колхозда ишлашаркан. Бу колхоз раҳбарлари ҳам ўз аъзоларига уй-жой ажратиб бериш ҳақида нега ғамхўрлик қилишмаётганликларини нима билан изоҳлашни билмаймиз!

Қайтар чоғимиз Қундуз опа биздан кўрганларимизнинг ҳаммасини қандай бўлса, шундайлигича ёзишимизни яна бир бор илтимос қилди. Биз онанинг илтимосини бажардик.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**



✦ Татьяна Слобожан «Ташгоршвейбит» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 1-модалар ательесининг тажрибали бичувчиси, шу билан бирга чевар тикувчиси ҳамдир. У мижозлар буюртмасини доимо ўз вақтида сифатли тайёрлаб беради.

М. Нуриддинов фотоси.

*Малака ошириш курсида*

# МАШҒУЛОТ ТУГАДИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг партия, совет ва идеология ходимлари малакасини ошириш областлараро курсида машғулотлар тугади.

Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССР шаҳар ҳамда район ижроия комитетлари ташкилий-инструкторлик бўлимларининг мудирлари курс машғулотларида ўз билимларини оширдилар. Улар ҳузурида Тошкент олий партия мактаби профессорлари ва доцентларидан А. Н. Михайлов, И. Исомиддинов, А. Н. Пак, В. Н. Мухаметов ва бошқалар қизиқарли лекциялар билан чиқдилар. Лекциялар ўқиш ва суҳбатлар ўтказишга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети лектори Ю. М. Каракетов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети бўлим мудири В. И. Гугнин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги диний ишлар бўйича кенгаш вакили Ў. А. Рустамов таклиф этилди. Давра суҳбатида эса тингловчилар КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда халқ депутатлари Советлари роли ва масъулиятини янада ошириш юзасидан қабул қилган қарорини ишчанлик билан муҳокама қилдилар.

Муҳокамада Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Совет ишлари бўлими мудири О. Ҳ. Олимжонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ташкилий-инструкторлик бўлими мудири А. Н. Ефимов иштирок этдилар.

Амалий машғулотлар давомида курс тингловчилари Фрунзе ва Орджоникидзе район ижроия комитетлари иши билан танишдилар, тажриба ўргандилар. Область ижроия комитети раиси П. М. Абдураҳмоновнинг суҳбати тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди. У халқ депутатлари Советлари ишини қайта қуриш бўйича тўпланган тажрибалар ва мавжуд муаммолар ҳақида гапириб берди.

Тингловчилар Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси ва бошқа маданий марказларда бўлдилар.

## • Бадиий коллективлар ҳаётидан

# САЙРАР МЕНИНГ ДУТОРИМ

**Чертсам кўнглим яйрар, менинг дуторим,**
**Шўх булбулдай сайрар, менинг дуторим..**

БУ ҚЎШИҚ кўпчилик тингловчилар эътиборини қозонган. Айниқса, уни дуторчи қизлар куйлашганда ажиб бир жозиба намоён бўлади. Жарангдор овозларнинг янграши чаманзордаги алвон гуллардан таралаётган муаттар бўй сингари кўнгилга хуш ёқади.

Ўзбекистон Телевидениеси ва радиоэшиттириш давлат комитети қошидаги дуторчи қизлар ансамбли бундан тўққиз йил илгари ташкил топган эди. Ўтган давр мобайнида коллектив қаддини тиклашга, репертуарини халққа тақдим этишга, энг муҳими, ўз қиёфасини шакллантиришга ҳамда эл-юрт оғзига тушишга улгурди.

Унга ташкил этилганидан буён Ўзбекистон ССР халқ артисти Ғанижон Тошматов бадиий раҳбар сифатида тинмай ғамхўрлик қилиб келаётир.



**Ансамблда репетиция пайти.** А. **Зуфаров** фотоси.

— Ансамблимиз 1979 йилда ташкил этилган бўлиб, дастлабки йилларда унга 12 нафар қиз қатнашарди, холос, — дейди биз билан суҳбатда Ғ. Тошматов. — Ишни ўзбек халқ қўшиқлари ва лапарларини йиғишдан бошладик, сўнг уларни қайта куйга солдиқ ва мухлислар эътиборига ҳавола этдик. Ашулаларимиз радио орқали ва телевизор экранида янграй бошлагач, коллективимиз сафига келиб қўшилишни истаганлар ҳам кўпайди. Биз ижрочиларни маҳоратига, соз чертиш санъати, куйлаш ёки рақсга тушиш қобилиятига кўра саралаб қабул қилдик. Шу тариқа ансамбль аъзолари 31 кишига етди. Таниқли санъаткорлар томонидан тузилган махсус комиссия орқали ёши 16 дан 25 ёшгача бўлган қизларни ҳозир ҳам қабул қилаётирмиз.

Шу ўринда қизларимизнинг айримлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз. Фараз қилинг: уй қурмоқчи бўлсангиз, унинг пойдевори билан таянч устунлари мустаҳкам бўлишига ҳаракат қиласиз. Бу табиий бир ҳол. Ансамблда ҳам ана шундай мустаҳкам «устун»лар мавжуд. Жумладан, Замира Суюнова, Санобар Каримова, Озода Мадраҳимова, Замира Раҳматуллаева ва Роза Ҳожиева сингари қизларимиз етук ижрочилар ҳисобланишади. Улар қўшиқларни қиёмига етказиб ижро этишлари ва санъат ихлосмандларига етказиб бера олиш каби фазилатлари туфайли тобора ҳурмат-эътибор қозонмоқдалар.

Ҳақиқий санъаткор репертуарсиз яшай олмайди. Ансамбль репертуарида 100 дан ортиқ қўшиқ мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилигини ўзбек халқ қўшиқлари ташкил этади. Қизлар кейинги вақтларда қардош халқлар қўшиқларини ҳам ўрганмоқдалар. Куй ва қўшиқларнинг ранг-баранглигини таъминлаш мақсадида дутор, доира, рубоб, чанг билан бир қаторда қонун ва уд сингари созлардан ҳам фойдаланилмоқда. Рақсларни саҳналаштиришда моҳир балетмейстер ва раққоса Матлуба Жўраеванинг ҳиссаси катта бўлаяпти...

Ўтган 1987 йилда ансамбль республиканинг бир қанча областлари бўйлаб гастроль сафарларида бўлди. Бу улар ижодининг ўсиши ва репертуарининг бойишига ижобий таъсир кўрсатди. Қўшиқсевар халқимизга ўзбек халқ қўшиқларини қайтадан сайқал бериб тақдим этаётган коллектив тинмай изланиш туфайли эл-юрт меҳрига сазовор бўлаётир.

**Г. МАМБЕТОВА.**




## ҚУШЛАР ОЗОР ЧЕКМАСИН

Баҳор фаслида республикамиз, шу жумладан пойтахт областимиз сув ҳавзаларида Жанубдан Шимолга қараб учиб ўтадиган сузувчи қушлар кўплаб тўпланади. Улар парвозни давом эттириш учун Сирдарёнинг суви кенг ёйилган жойларда, Чорвоқ, Чордара ва бошқа шу каби сув омборларида дам олади ва озиқланади. Ҳозирги вақтда бундай ҳавзаларда қашқалдоқ, чуррак, ўрдак, қизқуш ва бошқа шу каби паррандалар тўда-тўда сузиб юрганини кўрасиз. Уларнинг айримлари ҳатто шу ерда ин қуради, наслини давом эттиради.

Шундай вақтларда улар нопок овчиларнинг қурбони бўлиши мумкин. Бу эса табиатга катта зарар келтиради. Шунинг учун ҳозирги вақтда улар муҳофазасини кучайтириш талаб этилади. Бунга жамоатчилик ҳам баҳоли-қудрат ёрдам бериши лозим. Шундагина табиатимиз кўрки бўлган бу паррандаларнинг кўпайишига ҳисса қўшган бўламиз.

Ўлкамизда меҳмон бўлиб, Шимол томон парвоз қиладиган бундай қушлар озор чекмасин.

**М. МАХМУТОВ,**
**«Госохотнадзор»нинг жамоатчи инспектори.**

## ҚУДРАТЛИ ҚЎШНИ БИЛАН ОЛИШУВ

ИШ БИЛАН таништириш ҳақидаги илтимосга судья Мирсаид Турдиев, иложи йўқ, дегандек ишора қилди:

— Жон деб таништирар эдиму, бунинг иложи йўқ. Иш менда эмас, Тошкентда — экспертизага юборганман. Афсуски, у ерда ҳам таниша олмайсиз: рўйхатга олинмаган, танишимнинг қўлига топширгандим.

Ҳақиқатда эса иш унинг столида ётарди. Эртасига Тошкентдан телефон қилганимизда Олмалиқ халқ судининг раиси Любовь Ивановна Голубева бундай деди:

— Ишни кўриб чиқиш чўзилиб кетганлигини тан олишдан уялган. Тўғри, ҳеч экспертиза ўтказа олмаяпмиз... энди жадаллаштирамиз.

Ишни кўриб чиқадиган пайт келди. Пискент районидаги Ленин номли колхознинг қудратли қўшни — Олмалиқ кон-металлургия комбинатига даъвоси икки йилдан буён Олмалиқ халқ судида ётибди.

1986 йил августида колхознинг 140 гектар майдондаги ғўзаси сирли сабабларга кўра нобуд бўлди.

Юзаки қараганда сабаблари сирли кўринади. Пахтакорлар Ўзбекистон гидрометеорология ва табиий муҳитни контрол қилиш бошқармаси мутахассисларини таклиф қилишди. Мутахассислар: «Ўсимликлар химия маҳсулотлари — олтингугуртли газ ва олтингугурт кислотаси буғлари билан куйган», деб диагноз қўйишди.

Айни шу пайтда кон-металлургия комбинатида зарарли маҳсулотлар яна бир бор ялписига ҳавога чиқариб юборилди. Шундан кейин айбдорларни жазолаш ҳақида буйруқ берилди.

Илгари деҳқонлар индамаган бўлишарди. Ҳозир давр бошқача. Колхоз ўз манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб қонунга мурожаат қилди. У етказилган зарарни (салкам 100 минг сўм) тўлашни илтимос қилмоқда.

Судья Турдиев ишни бизга кўрсатмаса ҳам, уни шарҳлаб беришга рози бўлди.

— Даъво аризаси қачон берилган дейсизми? Эсимда йўқ. Аризани қабул қилишдан қачон бош тортганимизни сўраяпсизми? Ёдимда йўқ. Область прокуратураси бизнинг қароримизга қачон протест билдирган дейсизми? Эслай олмайман. Область суди ишни қайтадан кўриб чиқишни қачон талаб қилган, деб сўраяпсизми? Аниғи ёдимда йўқ, ўтган йилнинг ёзида бўлса керак. Халқ маслаҳатчиларининг фамилияларинимми? Эслай олмаяпман.

Судья — кон-металлургия комбинатининг собиқ ходими гўё ҳеч нарсани эслай олмаслигини тушуниш мумкин. Аммо нобуд бўлган ҳосилни унута олмаган деҳқонларни ҳам тушуниш керак. Колхоз раиси Абдунаби Абдураҳмонов «Бир нарсани илтимос қиламан: ахир, бизнинг даъвоимизни кўриб чиқишсин!», деб идорама-идора юрибди.

Аммо ишни кўриб чиқиш учун такрорий экспертиза ўтказиш лозим эмиш. «Гидрометеорология хизмати вакилларининг хулосаси холислигига шубҳа бор, — деди Любовь Ивановна. — Ҳеч кимга бўйсунмайдиган мустақил экспертни излаяпмиз».

Нима ҳам дердик, шубҳаланиш — суднинг ҳуқуқи ва бурчи. Аммо экспертни ҳам топишди, дейлик. У нимани текширади? Заҳарланган ҳавони шамол аллақачон бошқа шаҳар ва қишлоқларга олиб кетганиними? Заҳарланган сув ҳам оқиб кетган. Заҳарланган пахта чириб кетган. Заҳарланган тупроққа яна зарарли чиқитлар қўшилган...

— Жабрланган колхозчилар нима қилишсин? Ахир, уларнинг ҳам шубҳаланишга ҳақлари бор-ку. Масалан, табиатни муҳофаза қилиш давлат органлари вакиллари судда қатнаша олмадилар. Чунки уларни таклиф ҳам этишмади. Таклиф этиш у ёқда турсин, ҳатто хабардор ҳам қилиб қўйишмади.

Иш машҳур комбинатга бориб тақалгани учун Олмалиқ суди ана шундай иш тутди. Суд мутахассисларнинг қуриб қолган ғўза баргидаги сульфат миқдори одатдаги миқдордан 156 баравар кўплиги, ўша пайтда приборлар олтингугурт кислотаси туманини ҳавога чиқариб юборилганлигини кўрсатганлиги ҳақидаги далилларини эшитишни ҳам хоҳламади.

Биз Любовь Ивановна Голубевадан: ишни кўриб чиқиш тезлашадими, деб сўрадик. «Ҳозир Турдиев ажрим ёзаяпти, тушдан кейин ишни Тошкентга экспертизага олиб боради, — деб жавоб қилди. — Шаҳарга борганда сизга телефон қилади».

Ҳавони муҳофаза қилиш давлат инспекцияси сўнгги уч йил ичида саноат корхоналари ўз маҳкамалари ташқарисидаги бутун жонли мавжудотни заҳарлаётганлиги фактлари хусусида прокурорларга йигирмадан ортиқ материаллар юборди.

Шундан атиги иккитасигина судга етиб борди. Ана шулардан бири ҳақида юқорида ҳикоя қилиб бердик. Иккинчиси ҳам шунга ўхшаш: Янги Қўқон химия заводи яқинидаги 20 километрлик зонада экинлар бутунлай куйиб кетган. Химиклар ўзларининг айбдор эканликларини бутунлай рад этишди. Иш қайта терговга юборилди, кейинчалик эса ёпиб қўйилди.

Ўтган йили Самарқанд химия заводи заҳарли чиқитларидан олмазор боғлар зарар кўрди. Бу ҳақдаги иш ҳам прокуратурага оширилган бўлса-да, аммо жойидан сира қўзғалмаяпти.

Андижон область прокуратураси қозонхона бурқсиб тутаётганлиги ҳақидаги сигналга: «Материаллар брак маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақидаги ишга қўшиб қўйилди» деб жавоб қилди. Шу ҳам жавоб бўбдими?

Айтмоқчи, судья Турдиев бизга телефон қилмади.

**Н. ШУЛЕПИНА,**
**ЎзТАГ мухбири.**

### ҲАР ТЎҒРИДА

#### КАПАЛАК ҚУРТИ БАНГИЛАРГА ҚАРШИ

**БУ КАПАЛАК қуртлари ҳозиргача 37 миллион долларлик зарар келтирган бўлса ҳам Перу ҳукумати уларни кўпайтиришни ҳар томонлама рағбатлантирмоқда. Гап шундаки, перулик олимлар нолегал наша плантацияларига қарши актив курашар эканлар, бундай ўсимликнинг табиий кушандасини топдилар. Бироқ бундай капалаклар фақат чекка райондаги плантацияда тарқалган эди. Олимлар бундай капалак қуртларини етиштириб, плантациялар жойлашган районларда кенг тарқата бошладилар. Қора дори етиштириб, уни бозорга етказиб берувчилар эса АҚШдан энг янги химикатларни сотиб ола бошладилар. Бироқ уларнинг бу уриниши зое кетди. Зараркунандалар бу заҳарли моддаларни назар-писанд қилмаяпти.**

**Болгарияда чиқадиган «Орбита» ҳафталигининг ёзишича, капалак қуртини тарқатишда ҳарбий вертолётлардан фойдаланилмоқда.**

#### ПОДАЧИ ТЎНҒИЗ

**✦ Англиялик фермер К. Уотс қўйларни катта подасига эга. Ҳар бир қўйчивон каби, унинг ҳам подани кузатиб турувчи, керак пайтда йиртқичлардан қўриқлайдиган тўрт оёқли дўсти бор. Уотсга бу соҳада ўргатилган... тўнғиз ёрдам бермоқда. Фермернинг айтишича, жонивор хизматни сидқидилдан, аъло даражада бажармоқда экан.**

#### СИГИРЛАР ВА ЭҲМ

**ШВЕЙЦАРИЯДАГИ Альп яйловларида бўйнига одатдаги қўнғироқлар ўрнига қисман соатга ўхшаш кичик прибор осилган сигирлар ўтлаб юради.**

**Бу микро ЭҲМлардир. Унинг ёрдамида сигирнинг қаердалигини аниқ билиб олиш мумкин. Бундан ташқари, жониворнинг эгаси исталган вақтда сигир ҳақида ҳамма нарсани — у қанча вақт ўтлаганини, қанча вақт ётганини ҳам билиши мумкин. Олинган барча маълумотлар махсус йўл билан қайд қилинади ва чорвадорларга гўшт ва сут етиштиришда беқиёс ёрдам беради. Тўғри, бундай кичик ЭҲМнинг нархи баланд, бироқ қорамол эгаси янгиликни тамомила рентабелли ҳисоблайди, деб ёзади Швейцарияда чиқадиган «Швайцер машиненмаркт» журнали.**

• *Ўлкамиз безаги*

## МАФТУНКОР КЎЛЛАР

Бундан 3,5—4 миллиард йиллар муқаддам Ер қаъридан отилиб чиққан беҳисоб вулқонлар ҳисобига дастлабки сув ҳавзалари пайдо бўла бошлаганлиги фараз қилинади. Шундай мураккаб жараёнлар туфайли пайдо бўлган сувларнинг асосий қисми Ер сатҳидаги океан ва денгизларга тўпланган. Озгина қисми эса материклар ичидаги музликларни, дарё ва кўлларни, оёғимиз остидаги ер ости сувларини ташкил қилади. Дунё океанидан буғланган сув қуруқликни оби ҳаёт билан доимо таъминлаб, унга тўкинлик бағишлаб туради, айниқса тоғлардаги зилол сувли феруза кўллар эътиборга моликдир. Оғир «юки»ни баъзан силкитиб турувчи паҳлавон ва серviқор тоғларимизга хол бўлиб тушган бу зумрад кўллар қояларнинг силжиши, қулаши, ўпирилиши, эриб ювилиши каби сабабларга кўра ҳосил бўлар экан.

Айниқса, Угомдаги Бахмалкўл, Пискомдаги Урунгачсой ва Бодақсой кўллари, Ихначсой ва Кўксувдаги кўзни қамаштирувчи қатор кўллар Бўстонлиқнинг мафтункор табиий чеҳрасига бамисоли кулдургичдек ярашиб туради. Улар ҳақида маҳаллий аҳоли кўплаб гўзал афсоналар ҳам тўқиган. Бу кўллар зилол суви ва ажиб манзаралари билан саёҳатчиларни ўзига кўпдан бери мафтун этиб келмоқда. Умуман олганда, Ўрта Осиё тоғларида уч мингдан ортиқ кўллар мавжуд бўлиб, улар пайдо бўлиши, тузилиши ва шакли жиҳатидан бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Ҳатто баландлик зоналари бўйича кўлларнинг тарқалиши ҳам маълум қонуниятга бўйсунади. Масалан, тектоник кўллар бебаҳо Байкал кўли сингари тоғ водийларининг ботиқлик ва ёриқлар ҳосил бўлган жойларига сув йиғилишидан вужудга келади. Уларнинг табиий тўғонлари мустаҳкам бўлиб; камдан кам ҳоллардагина ўпирилиши мумкин. Гидроген кўллар эса оқар сувлар ва ер ости сувлари таъсирида вужудга келади. Бундай кўлларга қайнар булоқлар ҳосил қилган кўллар ва тоғ жинсларининг сувда эриб чўкишидан вужудга келган кўллар ҳам киради. Бундай кўлларга Угомдаги Бахмалкўл ёрқин мисолдир. Бу кўл бамисоли тоғ чўққисидан коинотга қулоқ солувчи телескоп ойнасини эслатади. Областимиз тоғларининг қуйи поғоналарида асосан «қулама» кўллар кенг тарқалган. Чунки, тоғ жинсларининг нураб қулаши, ўпирилиши, сурилиши, қор кўчиши кабилар туфайли дарё ёки сой ўзанининг тўсилиб табиий тўғон ҳосил бўлишидан Урунгачкўл сингари кўллар ҳосил бўлган.

Гляциоген, яъни қадимги ва ҳозирги музликлар иши туфайли ҳосил бўлган кўллар айниқса тоғларнинг юқори «қавати»да, яъни денгиз сатҳидан 2200—5500 метр баландликларда кенг тарқалган. Муз кўллар асосан Помир—Олой тоғ тизмаларига мансубдир. Лекин, Бўстонлиқнинг Писком дарёси ҳавзасида ҳам кенг тарқалганлигини вертолётда учган киши кўриши мумкин. Оҳангарон дарёсининг ўнг ирмоғи Аршонни ҳам қадимги музликларга хос тоғ жинслари — мореналар тўсиши натижасида узунлиги бир километрли Аршон кўли ҳосил бўлган.

Айниқса, турли қулашлар туфайли ҳосил бўлган кўллар инсоният тарихида мудҳиш из қолдирганлиги кўпчиликнинг ёдида. Масалан, ўз гўзаллигини узоқ вақтлар табиат ошиқларига кўз-кўз қилиб турган Олмаота яқинидаги Иссиқ номли кўл, Фарғона водийсининг жанубидаги Яшинкўл, Кичик Олой кўлларининг аянчли қисмати бунга мисолдир. Бу эса дарёларни тўсиб сунъий тўғонлар қуришда, тоғ водийларини турли мақсадларда ўзлаштиришда, тоғ-кон саноатини ривожлантиришда, аҳоли пунктларини ва дам олиш зоналарини барпо этишда тоғ кўлларининг табиатини чуқур билиш зарурлигини эслатиб туради.

Шу боисдан ҳам бўлажак Угом-Чотқол табиий боғидаги мафтункор кўлларнинг табиати ва геологик тарихи батафсил ўрганилиб, уларнинг бирмунча хавфсиз эканлиги аниқланган. Айниқса, серсув баҳор ойлари тоғлардаги табиий офатларнинг олдини олиш учун етук мутахассислар тоғларга чиқиб бевосита асбоб-ускуналар ёки вертолётлар ёрдамида кўлларда ва уларни тўсиб турган тўғонларда содир бўлаётган табиий жараёнларни, фалокат ўчоқларини аниқлашмоқда. Олинган аэрокосмик суратлардан ҳам уларни синчиклаб ўрганилмоқда. Келгусида эса алоқа воситалари орқали ишончли автоматик қурилмалар ёрдамида кўллардаги ўзгариш ҳақида олдиндан огоҳлантириш ва уларни муҳофаза қилиш йўлга қўйилади.

**И. ОТАЖОНОВ,**
**М. ЗОКИРОВ,**
**СССР география жамиятининг ҳақиқий аъзолари.**

БУЛАР «ҚИЗИЛ КИТОБ»ГА КИРИТИЛГАН


Малла силовсин.


Укки.

Д. Аҳмедов ва Ҳ. Мирзакаримов фотолари.

# • ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

## Душанба

### 4 апрель

**МТ-I**

7.00 «120 минут». 9.05 Футбол шарҳи. 9.35 Клим Самгиннинг ҳаёти. Бадиий фильм, 4-серия. 10.45 Мультфильмлар. 11.30 — 16.00 Янгиликлар. 16.10 Қайта қуриш прожектори. 16.20 Концерт. 16.40 Ҳужжатли фильмлар премьераси. 17.05 «Спортландия». 17.50 Венгриянинг миллий байрами — Озодлик кунига. 18.45 Шеърият лаҳзалари. 18.50 «Пульс». 19.20 Футбол шарҳи. 19.50 «Борис Годунов». Спектакль 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 «Борис Годунов». Спектаклнинг давоми. 23.30 Дунё воқеалари.

**МТ-II**

9.10 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильмлар. 9.35, 10.35 Физика. 10.05, 12.05 Итальян тили. 11.05 СПТУ ўқувчиларига. 11.35, 12.35 Тарих. 13.05 «Куч— бирликда». 14.10 «Спорт майдони». Ҳужжатли фильмлар. 14.40 Янгиликлар. 14.50 «Муҳаббат бурчи». Бадиий фильм. 18.35 Янгиликлар. 18.45 Ҳужжатли-публицистик фильм. 20.15 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!» 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Хоккей. МАСК — Динамо (Рига). 22.50 — Янгиликлар.

**ЎзТВ**

16.15 Ҳужжатли фильм. 16.45 Математика. 17.15 Қайта қуриш йўлида. Ҳужжатли фильм. 17.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 18.00 Янгиликлар. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.10 Мультфильм. 19.30 Ахборот. 19.45 Ёзувчи ва замон. 20.30 Ахборот 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 «Ичкуёв». Видеофильм. 1-қисм. 23.20 Телефильм.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА**

19.35 Ҳужжатли фильм. 20.15 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм, 1-серия. 21.30 ДУШАНБА КЎРСАТАДИ.

## Сешанба

### 5 апрель

**МТ-I**

7.00 «120 минут». 9.05 Концерт. 9.25 «Клим Самгиннинг ҳаёти». Бадиий фильм. 4 ва 5-сериялар. 11.35 Янгиликлар. 11.45 «Спортландия». 16.00 Янгиликлар. 16.10 Қайта қуриш прожектори. 16.20 Агросаноат ишлари ва ташвишлари. 17.00 «Салом, музика!». 17.45 Кинoочерк. 18.05 «Сиз яратган боғ». 18.35 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан. 19.05 Концерт. 19.40 Дунё воқеалари. 20.00 «Махсус мухбирингиз». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 «Клим Самгиннинг ҳаёти». Бадиий фильм, 4-серия. 23.25 Дунё воқеалари. 23.35 «Фидойи шахслар».

**МТ-II**

9.00 Эрталабки гимнастика. Ўқув программаси. 9.15 Илмий-оммабоп фильмлар. 9.35, 10.35 География. 10.05 Француз тили. 11.05 Ҳужжатли фильмлар. 11.35, 12.35 Биология 11.55 Илмий-оммабоп фильм. 12.05 Француз тили. 12.55 «Сампо». Бадиий фильм. 14.30 Ҳужжатли фильм премьераси. 15.00 Янгиликлар. 15.10 «Фойдали битим». Бадиий фильм, 1-серия. 18.20 Янгиликлар. 18.30 «Халқаро ҳаёт» редакцияси намойиш этади. «9-студия». 19.30 Ритмик гимнастика. 20.00 Ҳаракат хавфсилиги учун. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 «16 ёшгача ва ундан катталар». 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Ҳужжатли фильмлар экрани. 23.45 «Тонгги почта». Музикали кўрсатув. 00.15 Янгиликлар.

**ЎзТВ**

16.15 Фильм-концерт. 16.45 Зоология. 17.15 Телефильм. 17.30 Қизиқарли математика. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Мультфильм. 18.30 «Инсон — йирик планда». 19.00 Агросаноат: тажриба ва муаммолар. 19.30 Ахборот. 19.45 «Гиёҳвандликка йўл йўқ». Ҳужжатли фильм. 20.15 Ҳужжатли фильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.20 Долзарб вазифа. 21.30 «Время». 22.05. Қайта қуриш прожектори. 22.15 «Ичкуёв». Видеофильм. 2-қисм. 23.20 Ҳужжатли фильм.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА**

19.35 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм, 2-серия. 21.15 Илмий-оммабоп фильм. 21.30 ДУШАНБА КЎРСАТАДИ.

## Чоршанба

### 6 апрель

**МТ-I**

7.00 «120 минут». 9.05 Телевизион ҳужжатли фильм. 9.30 «Борис Годунов». Спектакль. 12.30, 16.00 Янгиликлар. 16.15 Қайта қуриш прожектори. 16.25 Ҳужжатли фильмлар премьераси. 17.10 Телевизион фильм премьераси. 18.20 «Дўстлик адреслари». 18.50 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан. 19.20 «Дунё воқеалари». 19.40 «Бизда Останкинода». 21.20 Қайта қуриш прожектори. 21.30 «Время». 22.00 Футбол. СССР—Туркия терма командалари. 23.50 «Дунё воқеалари».

**МТ-II**

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 10.05 Немис тили. 11.05 СПТУ ўқувчиларига. 11.35, 12.35 Тарих. 12.05 Немис тили. 13.05 «Махсус мухбирингиз». Бадиий фильм. 14.40 Ҳужжатли фильмлар премьераси. 15.15 Янгиликлар. 15.25 «Фойдали битим». 2серия. 18.45 Мультфильм. 19.00 Қишлоқ янгиликлари. 20.00 «Музикали киоск». 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 21.30 «Время». 22.00 Қайта қуриш прожектори. 22.10 «Нон ва туз». 23.00 Янгиликлар. 23.10 Концерт.

**ЎзТВ**

16.15 Болалар учун фильм. «Болакайлар денгизни орзу қилишади». 16.45 Жамиятшунослик. 17.15 «Пятигорск». Телефильм. 17.30 Адабиёт. СССР халқлари адабиётларининг ўзаро алоқалари. 18.00 Янгиликлар. 18.15 «Пионерлар мамлакатида». 19.00 «Инсон ва қонун». 19.30 Ахборот. 19.45 «Старт арафасидаги интервью» 20.15 Туркистон АССР ва Туркистон Компартияси ташкил топганлигининг 70 йиллигига. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.20 Қайта қуриш прожектори. 21.30 «Время». 22.00 «Ичкуёв». Видеофильм. 3-қисм. 23.05 «Бугун оламда нима гап?» 23.20 Ҳужжатли фильм.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА**

19.35 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм. 3-серия. 20.50 Беш йиллик: ишлар ва одамлар. 21.20 ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ.

## Пайшанба

### 7 апрель

**ЖАҲОН САЛОМАТЛИК КУНИ**

**МТ-I**

7.00 «120 минут». 9.05 Футбол. СССР—Туркия терма командалари. 9.50 «Клим Самгиннинг ҳаёти». Бадиий фильм. 5- ва 6-сериялар. 12.00 16.00 Янгиликлар. 16.10 Қайта қуриш прожектори. 16.20 Телевизион ҳужжатли фильм. 16.55 «16 ёшгача ва ундан катталар». 17.40 Инсон ва қонун. 18.10 Концерт. 18.45 Шеърият лаҳзалари. 18.50 «Дунё воқеалари». 19.05 «Айбдорлар». Фильм-спектакль премьераси. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 «Клим Самгиннинг ҳаёти». Бадиий фильм. 5-серия. 23.20 Дунё воқеалари». 23.30 Концерт.

**МТ-II**

9.00 Эрталабки гимнастика. Ўқув программаси. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Умумий биология. 10.05 Испан тили. 11.05 СПТУ ўқувчиларига. Тарих. 11.35, 12.35 Рус характери. 12.05 Испан тили. 13.05 «Айбдорлар». Фильм-спектакли. 15.25 Янгиликлар. 15.35 Ҳужжатли фильмлар премьераси. 16.05 «Фойдали битим». 3-серия. 18.35 Янгиликлар. 18.45 Ритмик гимнастика. 19.15 КВН-88. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Хоккей. МАСК—Динамо (Москва). 22.50 Янгиликлар.

**ЎзТВ**

16.15. Болалар учун фильм. «Қизил асал арилар». 17.25 Илмий-оммабоп программа. 17.55 Янгиликлар. 18.15 Амалдаги интернационализм. 18.35 Мультфильмлар. 18.55 Сиҳат-саломатлик. 19.30 Ахборот. 19.50 Фильм-концерт. 20.00 Футбол. «Пахтакор» — «Ротор» (Волгоград). 20.50 «Ахборот». 21.15 Манзарали фильм. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Концерт.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА**

19.20 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм, 4-серия. 20.30 Кинопрограмма. 21.30 ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ.

## Жума

### 8 апрель

**МТ-I**

7.00 «120 минут». 9.05 «Инсон ва қонун». 9.35 «Клим Самгиннинг ҳаёти». Бадиий фильм. 6-серия. 10.40 Экология проблемалари. 11.25 ва 16.00 Янгиликлар. 16.10 Қайта қуриш прожектори. 16.20 Беш йиллик: ишлар ва одамлар. 16.45 «Нега ва нима учун?» 17.15 «Новаторлар ва консерваторлар». 18.00 Мультфильм. 18.30 Фалсафий суҳбатлар. 19.05 Дунё воқеалари». 19.25 Қалбга яқин қўшиқлар. 20.00 Резонанс. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 «Клим Самгиннинг ҳаёти». Бадиий фильм. 6-серия. 23.20 «Ниғоҳ». Тунги информацион-музикали программа.

**МТ-II**

9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Табиатшунослик. 9.55 Илмий-оммабоп фильм. 10.05 Инглиз тили. 10.55 «Бизнинг митти кенгуручаларимиз». 11.05 СПТУ ўқувчиларига. 11.35, 12.35 Тарих. 12.05 Инглиз тили. 13.05 Ҳужжатли фильм. 13.35 «Икковлон». Бадиий фильм. 14.05 Ҳужжатли фильмлар премьераси. 14.45 Янгиликлар. 14.55 Такрорий телефильмлар кундузги сеанси. 18.35 Янгиликлар. 18.45 Ҳужжатли фильм. 18.55 СССР халқ артисти Э. Бистрицкая. 20.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.30. Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Хоккей. «Крилья Советов» — «Спартак». 23.45 Янгиликлар.

**ЎзТВ**

16.15 Болалар учун фильм. 17.30 География. 18.00 Янгиликлар. 18.15 «Инсон боладикдан бошланади». 18.50 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан. 19.20 Мультфильм. 19.30 «Ахборот». 19.45 «Ўлкамизни боғ-роғларга айлантирамиз». 20.30 «Ахборот». 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 «Ичкуёв». Видеофильм. 4-қисм. 23.20 «Бугун оламда нима гап?» 23.35 Фильм-концерт.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА**

19.25 «Қора шаҳзода». Бадиий фильм. 21.00 «Шаҳар ташвишлари ва муаммолари». 21.30 ДУШАНБА КЎРСАТАДИ.

## Шанба

### 9 апрель

**МТ-I**

7.00 «120 минут». 9.05 Концерт. 9.40 «Нега ва нима учун?». 10.10 Рус тили дарслари. 11.00 Ҳужжатли фильм. 11.20 Концерт. 12.00 Социализм мамлакатларида. 12.30 «Мен тинчликка даъват қиламан». 13.20 «Уй қурилмоқда». Телевизион бадиий фильм. 14.30 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан. «Қайта қуриш ва маданият». 15.30 «Дунё воқеалари». 15.50 Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 16.20 Икковлашиб биз қандай ижод қиламиз. 17.25 Ҳайкалтарош Анна Голубкина. 18.25 Мультфильм. 18.50 Янгра, гармонь! 19.20 Ҳужжатли фильм. 21.15 Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади. 21.30 «Время». 22.00 Қайта қуриш прожектори. 22.10 Қўғирчоқ театри олами. 23.00 «Ҳалок бўлган кемалар ороли». Телевизион музикали бадиий фильм премьераси.

**МТ-II**

8.30 Гимнастика. 8.45 «Истиқбол». 9.35 «Здоровье». 10.20 Ҳайвонот оламида. 11.25 Қайта қуриш ва ҳуқуқ. 11.45 Илмий-оммабоп фильм. 12.05 «Мўъжизасиз мўъжизалар». 13.05 Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан. 13.35 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг». 15.15 «Махфий фарватер». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 17.25 Берлинда меҳмонда. Концерт. 17.50 Эстафета. 19.20 Э. Москвитина чалади. 19.30 Реклама. 19.40 Баскетбол. Хотин-қизлар. 20.20 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.35 Спорт программаси. 21.20 Қайта қуриш прожектори. 21.30 «Время». 22.00 Футбол. «Шахтёр» — «Спартак». 22.50 К. Ваншенкин. «Ўзлигингни излаб». 1 ва 2-кўрсатувлар. 00.20 Янгиликлар. 00.30 Қиличбозлик. Халқаро мусобақалар.

**ЎзТВ**

8.00 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа 9.30 Касаба союзлари: янгиланиш сари қадам. 10.20 Мультфильм. 10.40 А. П. Чехов «Зўраки трагик». Теленовелла. 11.20 Ҳужжатли экран. 12.20 «Нотаниш меросхўр». Бадиий фильм. 13.45 Ҳужжатли фильм. 14.00 Концерт. 14.40 «Ёшлик». 15.20 «Оқ бўрон». 15.45 «Техника ижодиёти мактаби». 16.10 Торли квартет. 16.30 Хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш.17.00 Театр ва замон. 18.05 «Комсомол прожектори». 18.20 Ҳужжатли фильм. 18.30 «Тенгдош». 19.15 Ичкиликбозликнинг зарари ҳақида ҳужжатли фильм. 19.30 «Ахборот». 19.50 «Ёшлик». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Ёшлик». (Давоми). 21.30 «Время». 22.00 Қайта қуриш прожектори. 22.10 «Мусиқа жавони». 23.10 «Баҳор ҳамоҳанглиги».

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА**

18.30 ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ.

## Якшанба

### 10 апрель

**МТ-I**

8.30 Янгиликлар. 8.45 Гимнастика. 9.30 Киножурнал. 9.45 «Спортлото». 10.00 «Будильник». 10.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан». 11.30 Тонгги почта. 12.00 «Саёҳатчилар клуби». 13.00 Музикали киоск. 13.30 «Қишлоқ янгиликлари». 14.30 «Здоровье». 15.15 Москва — Бостон телекўприги. 16.35 «Ердаги ҳаёт». Илмий-оммабоп фильм. 6-серия. 17.30 Бугун — ҳаво ҳужумидан мудофаа қилиш қўшинлари куни. 17.45 Концерт. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Мультфильмлар. 19.45 «Бахтли дарбадар аёл». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Бахтли дарбадар аёл». Бадиий фильм. 2-серия. 23.25 Янгиликлар. 23.30 Г. Беседина куйлайди.

**МТ-II**

8.30 Зарядкага сафланинг! 8.45 Совет поэзияси. 9.35 «Эрудит». 10.25 Портретлар. 11.10 Ҳужжатли фильм. 12.00 «Саёҳатчилар клуби». 13.00 Фан, назария, тажриба, практика. 13.30 «Агар сиз...» Кўрсатувда ёзувчилар Д. Гранин ва В. Токарева иштирок этадилар. 14.15 Мамлакат театрлари намойиш этади. 16.15 «Махфий фарватер». Бадиий фильм. 3 ва 4-сериялар. 18.25 «Биз джазда куйлаймиз». 19.15 «Лужникида карнавал». 19.25 Телевизион музикали абонемент. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Киришга руҳсат этинг. 21.30 «Время». 22.05 Фильм-концерт. 23.30 Футбол. «Жальгирис» — «Динамо» (Минск). 23.15 Мотобол. СССР кубоги. 23.40 Янгиликлар.

**ЎЗТВ-I**

8.30 «Ассалому алайкум». Информацион-музикали программа. 10.00 Ҳужжатли фильм. 11.00 «Биргаликда куйлаймиз». 11.20 Туркистон АССР ва Туркистон Компартиясининг 70 йиллигига. 11.50 «Ёш спортчи мактаби». 12.40 «Уй қандай қурилади?». 13.10 «Эркак — эркакда». Бадиий фильм. 14.15 «Қувноқ стартлар». 15.15 «Ёшлик». 16.15. «Ҳаммом». Телеспектакль. 17.25 Реклама. 17.45 Мультфильм. 18.00 Футбол. «Пахтакор» — АСК (Ростов-Дон). 18.45 «Булбулча» болалар коллективининг концерти. 19.30 «Ахборот». 19.50 Бугун — мамлакатни ҳаво ҳужумидан мудофаа қилиш қўшинлари куни. 20.00 Фильм — концерт. 20.45 Кинолавҳа. 20.30 «Ахборот». 20.50 Лирик концерт. 21.30 «Время». 22.05 «Инсон тақдири». Бадиий фильм.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА**

17.40 ДУШАНБА КЎРСАТАДИ.

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

